



**ЎЗБЕК
АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

*Профессор Х.Ҳомидий таваллудининг
80 йиллигига бағишланган илмий-назарий
конференция материаллари*





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

*Профессор Х.Ҳомидий таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий-
назарий конференция материаллари*

ТОШКЕНТ-2015

Ушбу тўплам Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги миқёсида ўтказилган “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари асосида тайёрланди. Унда ўзбек мумтоз адабиёти, халқ оғзаки ижоди, замонавий адабиёт, адабий таълим ва бадий матн, адабиётшунослик ҳамда таржимашуносликнинг долзарб масалаларига оид мақолалар жамланган.

Тўплам адабиётшунос олимлар, адабиёт муаммолари бўйича изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, магистрантлар ҳамда талабаларга мўлжалланган.

Ўзбек адабиётшунослиги ва педагогикаси ривожига катта ҳисса қўшган таниқли олим, маърифатпарвар, филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий таваллудининг 80 йиллигига бағишланди.

Масъул муҳаррир: Тохир Шермуродов

Муҳаррир: Озода Тожибоева

Такризчилар:

Моҳира Холикулова, доцент, филология фанлари номзоди

Шахноза Эргашева, доцент, филология фанлари номзоди

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий техник кенгашининг 2015 йил 21 сентябрдаги қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилди (қарор №7).

УСТОЗГА ЭХТИРОМ

ИЛМУ ҲИКМАТ ФИДОЙИСИ

*Қурдош ҚАҲРАМОНОВ,
ДДПУ профессори, филология фанлари доктори*

Бир даргоҳда ҳам таҳсил олиб, ҳам ишлаб, униб-усиб, илм-фан ва таълим-тарбия равнақига муносиб ҳисса қўшиб, унинг нуфузи-ю обрўйини нафақат республикамизда, балки жаҳонга танитаётганлар очиги кам учрайди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўзбек адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори Ҳамиджон Ҳомидий ана шундай муътабар устозлардан бири саналади.

1935 йилда Наманган вилояти Косонсой туманида таваллуд топган устоз 1955-1960 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги университет)да таҳсил олади ва бир умрга ушбу зиё маскани билан боғланади. Ўзининг илмий-педагогик фаолиятини 1962 йилда ушбу даргоҳда оддий ўқитувчиликдан бошлаган Ҳ.Ҳомидий Ўзбек адабиёти кафедрасининг аспиранти, доценти ва профессори даражасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди.

1967 йилда “Фирдавсий “Шоҳнома”сининг бир ўзбекча таржимаси ҳақида” номли номзодлик диссертациясини ёқлаган олим ушбу йўналишдаги илмий изланишларини давом эттириб, 1990 йилда “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва филология фанлари доктори илмий даражасини олди. 1992 йилда профессор илмий иновонига сазовар бўлган олим, 1996 йилда илм-фан ва таълим –тарбия соҳасидаги хизматлари учун ҳукуратимиз томонидан “Дустлик” ордени билан мукофатланди.

Одатда, Ҳ.Ҳомидий илмий-ижодий фаолияти ҳақида суз кетганда, кенгқамровли олим истилоҳи қўлланилади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, олимнинг илмий изланишларига назар ташласак, бир неча устивор йўналишлар етакчилик қилишига гувоҳ бўламиз. Жумладан, мумтоз адабиёт масалалари, маданий-маърифий характердаги изланишлар, илмий-адабий портретлар, тазкиралар ва ҳ.к.

Олимнинг мумтоз адабиётга оид илмий изланишларининг ўзак қисмини форс-тожик адабиётининг егук намояндаси, “Шоҳнома”дек ўлмас бадий обида муаллифи Фирдавсий ижоди ва унинг ўзбек адабиётига таъсири масаласи ташкил этишини кўрамиз.

Аввало, таъкидлаш жоизки, мумтоз адабиёт масалалари билан ҳамма ҳам шуғулланавермайди. Унга илмий тайёргарликдан ташқари форс-тожик ва араб тилларини мукаммал билиш такоза этилади. Боз устига илмий муаммо мумтоз адабиёт таржимасига оид бўлса, унда тил билишнинг ўзи ҳам кифоя қилмайди. Бунинг учун тил билишдан ташқари, таржима қилинган асарнинг поэтик мазмунини, бадий тил, образ ва тимсолларнинг яширин, тағмаъно қатламларини ҳам нозик ҳис қила оладиган, моҳиятини теран англайдиган салоҳиятга ҳам эга бўлиши лозим.

Гулчехра МУСАДЖАНОВА. Роза в газелях Алишера Навои.....	129
Матлуба ЖАББОРОВА. Беруний Жамшид ҳақида.....	133
Соҳиба УМАРОВА. Матн тарихи.....	137
Мубора ОМОНОВА, Гулнора ТОИРОВА. Низомий арузий шеър ва шоирлик ҳақида.....	142
Озода БОЛТАБОЕВА. Хилватий ижодида саёҳатнома жанри такомил.....	144
Камоллиддин ЖҶРАЕВ. Алишер Навоий – адабиётшунос.....	146
Раъно МИРСАМИҚОВА. Кишининг кўзи – тарозу.....	149
Хулқар СУЛАЙМОНОВА. Котиблар учун муҳим манба.....	152
Олмосхон АБДУРАҲМОНОВА. Бойсунгур Мирзога бағишланган қасида.....	156
Гулбахор ҚУРБОНОВА. Ўзбек адабиётида Нух образи.....	160
Гавҳар МУСАЕВА. Агтор ҳикоятларида илм ва олимлар тасвири.....	163
Севинч ЁҚУБОВА. Қасидаи мадҳияда бадий тасвир аниқлиги ва поэтик анъана.....	165
Зилола ШУКУРОВА. Таржимада ранг ва макон муносабати талқини...	168

БУГУНГИ АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ

МАСАЛАЛАРИ

Қозокбой ЙҶЛДОШЕВ. Сўз билан сувратланган кўнгил манзаралари...	175
Марғуба МИРҚОСИМОВА. Ҳозирги ўзбек шеъриятига хос шаклий ва услубий изланишлар.....	182
Тоҳир ШЕРМУРОДОВ. Соф фитрат нуфузи ва бадий талқин.....	187
Улғубек ҲАМДАМ. Янги ўзбек адабиётшунослиги муаммоларига доир.....	191
Санобар ТҶЛАГАНОВА. Романда бадий бутунлик муаммоси.....	195
Тозагул МА ТЁҚУБОВА. Лирик ҳарорат ва поэтик жозиба.....	201
Шоира АҲМЕДОВА. Мунаққид ва адабий жараён.....	206
Юлдуз КАРИМОВА. Бадийга кўчган болалик.....	208
Шоира ДОНИЁРОВА. “Хотин подшоҳ” романида туйғулар зиддияти масаласи.....	212
Раъно МУЛЛАХҶЖАЕВА. 70–80-йиллар авлоди шеъриятига бир назар.....	215
Дилфуза ТОҶИБОЕВА. Шеър битмок – курашмок.....	220
Муминжон СИДДИҚОВ. Барно АБДУРАҲМОНОВА. Ҳусайн Жовиднинг “Шайх Санъон” драмаси.....	222
Дурдона СОҶИДОВА. Жадид шеъриятида арузий анъаналар талқини...	228
Нодира СОАТОВА. “Ўтган кунлар” ва халқ китоблари.....	230
Шоира ИСАЕВА. Бадий асарда характер руҳиятининг тасвирланиши..	233
Усмонжон ҚОСИМОВ. Мумтоз шеър таҳлили масъулияти.....	236
Гулбахор АШУРОВА. Навоий тарихий ва бадий шахс сифатида.....	240
Дилрабо ҚУВВАТОВА, Дилором ТОШЕВА. Монологда туйғулар сурати.....	243
Шаҳноза ЭРГАШЕВА. Сўз санъатида садоқат.....	245
Сафарали ҚУРБОНОВ. Ҳикоя структурасида микромаънларнинг ўрни..	248

Гулноза ЖЎРАЕВА, Маъсума ОБИДЖОНОВА. Шеърятда иёл рухияти талқини.....	252
Вазира АҲМЕДОВА. “Мувозанат” романининг саҳнадаги талқини.....	255
Дилнавоз САЛИМОВА. Шеърый асар гоъвий пафосининг таржимиди кайта яратилишида таянч сўз ва жумлаларнинг тутган ўрни.....	257
Мурод ЖЎРАЕВ. Ўзбек адабиётда комедиянинг жанр хусусиятлари.....	259
Р.АТАМУРОДОВА. Ҳозирги ўзбек киссачилигининг жанрий тақомили.....	261
Барно ҲАСАНОВА. “Дунё болалари” туркум ҳикояларида бола рухияти талқини.....	265
Наргиза ЮСУПОВА. Хайриддин Салоҳ шеърятда ватан мадҳи.....	269
Гули ШУКУРОВА. Танқидчи масъулияти.....	272
Лутфулла СИНДОРОВ. “Беозор кушнинг қарғиши” ҳикоясида фольклор синтези таҳлили.....	275
Башорат ЖАМИЛОВА. Зулфия ижодида шарқона муҳаббат мотивлари. Шерали ТУРҒУНОВ, Гўзалхон АЛИХОНОВА. Тўлан Низомнинг “Уч сўз” дostonида Бобур Мирзо характери талқини.....	278
Хумора ЖЎРАҚУЛОВА. Маърифий романда таҳлил ва талқинга комплекс ёндашувнинг роли.....	284
Нозима КОЗОҚОВА. Ғафур Ғулмоннинг “Шум бола” киссасида миллий колоритнинг ифодаланиши.....	286
ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ТАДҚИҚИ	
Шомирза ТУРДИМОВ. “Гўрўгли” дostonлари сабоги.....	289
Лайло ШАРИПОВА. Образ стилизацияси.....	293
Назокат АҲМЕДОВА, Ислом ЁҚУБОВ. Қиёсий методга имкон берувчи омиллар.....	299
Мусо ТОДЖИХОДЖАЕВ. Мартин Хартманн ва афанди лағифалари....	301
Ҳулкар АЛИҚУЛОВА. Ёр-ёр қушиқларида параллелизм.....	303
Қахрамон СИНДОРОВ. “Равшан” дostonининг тарбиявий аҳамияти...	306
Дилдора КОМИЛОВА. Асар жанри ва ифода усулида фольклор таъсири.....	308
ФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ	
Қундузхон ҲУСАНБОЕВА. Зулфия ижодини мактабда ўрганиш.....	311
Роза НИЁЗМЕТОВА. Адабий асарга доир савол ва топшириқлар ҳамда улардан фойдаланиш усуллари.....	315
Нусратилла ЖУМАХЎЖА. Дарслик – синов ва мунозара майдони эмас.....	320
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ. Бобурнинг назарий қарашларини ўрганиш.....	331
Гулнора ЭШЧАНОВА. Ҳис - туйғуларнинг сирли ва гўзал олами.....	336
Барно АБДУРАҲМОНОВА. «Қутадғу билиг» тўртликларини ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	339
Саодат КАМБАРОВА. Мустақил мутолаа: муаммо ва ечимлар.....	341
Соҳиб БОЙСИНОВ. Ўқувчи мустақил фикрининг ўсишида Навоий асарларининг ўрни.....	343
Феруза АЗИМОВА, Муяссар ЕШБАЕВА. Академик лицейларда	

*Ты меня приводишь в трепет, сердце в дрожь приводишь ты,
Перевод П. Железнова (3).*

Горе, печаль девушки – это тоска об утраченной любви и страдания любящего человека.

*Словно роза этот алый девы молодой халат,
Сожигающий мне сердце, как огонь, сквозной халат.
Пусть, ведя беседу с розой, не гордится кипарис
Ветер утра! Эта роза с милым делит свой халат.
Виночерпий! Цвета розы в чашу мне вина налей!
Во дворце не прячет сердца в воздержанья злой халат.
Навои! Иной не надо розы сердце – соловью
Ты прижмешь к груди горячий огневой её халат.*

Перевод В. Рождественского (3).

Здесь роза сравнивается – с одеждой.

Поэт сравнивает красоту с внешностью красивой девушки.

Роза – это прекрасный цвет, передающий настроение поэта.

Халат, в которой одета женщина, может быть символом любви и передачи чувств.

В газелях широко используется редиф. Редиф – это повторение слова (иногда двух или трёх) после рифмы в конце каждой строки (5). И примененный в первом бейте редиф должен пройти через все стихотворение. Вот один из примеров применения редифа у А.Навои.

*Тебя, увидя в цветнике, смутясь, затрепетала роза.
Роня лепестки в тоске, от зависти увяла роза.
И, раскрасневшись от вина, разлукой злой опьянена,
Как сердце красное, сама от крови стала алой роза.
В стране священной красоты, шахиня, всех прекрасней ты,
И все сады, и все цветы взяла ты под начало, роза.
Когда гуляешь ты в саду, чтоб оградить тебя от зла,
Все розы встанут, как щиты, шипы их словно жало, роза.
Пурпурных уст блаженный зной меня влечет к тебе одной.
Когда ты на пиру со мной, я пью – и сердцу мало, роза.
Пой днем и ночью, соловей, в честь госты утренней моей,
Знай, быстротечна смена дней, летят, и жизнь промчалась, роза
Когда все розы расцвели, в дорогу вышел Навои,
Но для души его теперь разлука раной стала, роза.*

В этой гезели флороним **роза** использована с целью передачи:

1. Красоты девушки, которая больше чем красота **розы** как растения.
2. Состояния женщины, которая стала ещё краснее, оттого что не видит любимого человека.
3. Сравнения **розы** с человеком как природные явления.
4. Описания девушки, которая гуляет в саду, а **розы** охраняют её.
5. Обращения к девушке.
6. Противопоставления флоронима **розы** и девушки.

Исследование показало, что А.Навои использовал флороним **роза** в четырех классификациях:

1. Роза в сравнении с возлюбленным человеком.
2. Роза и соловей (передача чувств и состояния при помощи птицы).
3. В прямом значении как ботаническое растение.
4. Сравнение внешности человека с **розой** (соматизмы).

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Алишер Навои. Избранные стихотворения. 1-книга. –Т.: 1983.
2. Алишер Навои. Избранная лирика.–Т.: 1978.
3. Навои. Стихотворения и поэмы. Ленинградское отделение. 1983.
4. Головкин Б. О чём говорят названия растений. – Т.: Мехнат, 1988.
5. Толковый словарь языка произведений Алишера Навои в четырех томах –Т., Фан,1985.

БЕРУНИЙ ЖАМШИД ҲАҚИДА

Матлуба ЖАББОРОВА,

ТДПУ тадқиқотчиси

Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-бокия” – “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари барча фан соҳалари учун бир қомусий манба ҳисобланади. Асарда зикр этилган турли халқлардаги байрам ва урф-одатларнинг пайдо бўлиб, нишонланиши анъана тусига киргани ҳақидаги ривоятлар жамланмаси ўзбек фольклори тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ундаги тарихий-афсонавий образларнинг ўзига хос талқини ҳам бадий адабиётдаги анъанавий образ ва сюжетларнинг генезисини аниқлашда қўл келади. Жумладан, анъанавий подшоҳ Жамшид образининг ўзбек адабиётидаги илк инъикоси “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида кўзга ташланади. Яъни ўзбек адабиётига Жамшид образининг кириб келишида мазкур асар ҳам бевосита кўприк вазифасини ўтаган. Гарчанд Берунийнинг ушбу китоби тарихий-этнографик манба сифатида эътироф этилсада, унда келтирилган аксарият афсона ва ривоятлар кейинчалик ўзбек адабиётига қучиб, анъанавий тимсолларга айланган.

“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг “Подшоҳларнинг яшаган даврлари ва ҳукмронлик йиллари” ҳақида маълумот берувчи бобида муаллиф “Эронликларнинг биринчи қисми уч турга бўлинади” деб ёзади. “Биринчиси – Пешдодийлар. Булар бутун дунёни эгаллаб, шаҳарлар қурганлар, қонлар чиқариб, хунармандчиликка асос солганлар ва ер юзида адолат ўрнатиб, тангрига аталган ибодатни адо этганлар” (1. 130). Беруний Жамшиднинг айнан шу Пешдодийлар сулоласидан эканлигини таъкидлайди.

Пешдодийларнинг аввали Каюмарс билан бошланади. Чунки қадимги мифологияда тасвирандишча, дунёдаги биринчи яратилган инсон Каюмарсдир. Беруний Жамшидни Каюмарснинг авлоди сифатида талқин этади.

Муаллифнинг ёзишча, Жамшид подшоҳларнинг “адолатли пешдодийлар” сирасига кирган. Жамшиддан то Афридунгача ўтган подшоҳлар “Шид” лақаби билан ҳам машҳур бўлишган.

Беруний эронликларнинг подшоҳлар ҳақидаги маълумотини жадвал асосида йилларга бўлиб чиққан. Хусусан, унда Жамшиднинг фаолияти қуйидаги даврларга бўлинган:

Подшоҳ табақалари	Эрон подшоҳлари 1-қисмининг исмлари	Лақаблари	Ҳукмронлик муддати
Адолатли пешдодийлар	... Унда кейин Жам ибн Вижаҳон; унинг қуроллар ясашга буюрганидан то йигириш ва йўқишга буюргунича;	Шид	50
	то одамларни тўрт табақага ажратишга буюргунича;		50
	шайтонларга қарши жанг қилиб уларни енгунича;		50
	шайтонларга тошларни кесиб, ташишга буюргунича арава ясашга буюргани ва у ясаиб [битгач], Жам унга утиргунича;		100 66
	шундан кейин одамлар соғломлик ва фаравончиликда яшадилар, сўнгра Жам яширинди.		300
	Жам яширинган ҳолда ҳаёт кечирди, ниҳоят Заххок ғалаба қозониб, ичакларининг ағдарди ва уни арра билан арралади...		100

Шунингдек, муаллиф Пешдодийларнинг ҳукмронлик йиллари борасида Ҳамза ибн Хусайн ал-Исфажонийнинг “Халқларнинг ўтиб ва йўқ бўлиб кетган улугларининг тарихлари китоби” асарида “Авесто” ва “Муъбад қўлёмаси”га таяниб, ўз фикрларини бошқа жадваллар асосида ҳам қайд этади. Унда Ҳамза ибн Хусайн “Авесто”да Жамшид яшаган даврни 616 йил деб, “Муъбад қўлёмаси”да эса 616+100 йил (бунга Жамшиднинг яширинган даври ҳам қўшилган) этиб белгиланганлиги қайд этилган.

Демак, Беруний ушбу киёсий кузатишлари орқали бошқа эрон подшоҳлари қатори афсонавий шоҳ Жамшиднинг ҳукмронлик даврини тугал аниқлашга ҳаракат қилган. Бу эса Жамшид шахсининг тарихий қиёфасини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, асарнинг “Эронликлар ойларидаги ҳайитлар ва машҳур кунлар устида сўз” бобида ҳам Жамшид фаолияти билан боғлиқ бир қанча маълумотларни учратамиз. Хусусан, Беруний турли қайднома ва ривоятларга асосланиб, Наврўзнинг байрам сифатида нишонланишини Жамшид номи билан боғлайди. “Эрон олимларининг баъзиси: “У кунни Наврўз деб аташнинг сабаби

* Асарда келтирилган жадвалдан фақатгина Жамшидга онд ўрнини олдиқ. Кўрсатилган асар 131-бет.

* Асар сўнггидаги изоҳда “Худойнома”нинг арабча таржимаси муҳаррирларидан бири зардушт қоҳини (“муъбад”) Баҳром ибн Мардонпоях назарда тутилаётгани қайд этилган.

шуки, собийлар Тахмурас даврида юзага чикқанлар. Жамшид подшоҳ бўлгач, [мажусийлар] динини янгилади ва бу иш қилинган кун, [яъни] наврӯз “янги кун” деб аталди, бу кун, гарчи у [Жамшиддан] олдин ҳам хурмат қилинган бўлса-да, ҳайитга айлантирилди”(1, 254).

Беруний ўз асарида бир қанча манба ва афсоналарда келтирилган Жамшид шахси билан боғлиқ талайгина маълумотларни бир ерга жамлайди; уларни узвийликда, “қўшимча ва изоҳларсиз” – аслиятдагидай ҳикоя қилишга ҳаракат этган. Шу сабабли бир мавзуда, масалан, Жамшид образининг Наврӯз култи билан боғлианиши ҳақидаги турфа хил ривоятларни навбатма-навбат нақл қилади. Ушбу ривоятларда воқеалар турлича тасвирлансада, деярли уларнинг барчасида Наврӯзнинг пайдо бўлиши ва тантана қилиниши Жамшид номи билан боғланади.

Шунингдек, Беруний воқеани ривоят этиш баробарида подшоҳ Жамшиднинг улугворлик ва яратувчилик сифатларини ҳам тасвирлайди. “Жамшид [ўзига] арава ясаб олгач, ўша куни аравага чиқди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованддан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг [аравада учушига] таклид қилиб аргимчоқларда учдилар” (1, 255).

Бошқа бир ривоятда нақл қилинишича, Жамшид Озарбайжонда бўлишни истаб, тилладан ясалган тахтга ўтиради. Одамлар тахтни елкаларига кўтаришади. Шу пайт Жамшидга куёв нури тушиб, одамларнинг кўзини қамаштиради. Бундан севинган халқ ушбу кунни Наврӯз деб байрам қилишади. Ҳинд-эрон мифологиясида ҳам Жамшид номининг “куёв фарзанди”, “нурли”, “куёшдек ёрқин” каби атамалар билан қўшиб айтилишининг асосида ушбу афсона ётганлиги шубҳасиздир.

Беруний Жамшиднинг кашфиётчилик ва яратувчилик хислатини Наврӯзнинг пайдо бўлиши билан боғлаб тасвирлайди. Шу сабабли ушбу кунда Жамшид томонидан асос солинган турли маросим ва удумлар эронликлар учун расмга, урфга айланганини таъкидлайди. Масалан, эронийларнинг Наврӯз куни бир-бирларига ширинлик ҳадя қилишининг боиси ҳақида шундай ёзади: “Боғдод муъбади Озарбоднинг ҳикоя қилишича, бунинг [сабаби], наврӯз куни Жамшид мамлакатида шакарқамиш пайдо бўлган, бу шу вақтгача билинмаган эди. Жамшид серсув бир қамишдан шира томчилаётганини кўрган. Уни тотиб қараган, унда лаззатли ширинлик борлигини билгач, сувини чиқариб, ширасидан шакар ишлашни буюрган. [Шакар] бешинчи куни кўтариб олинган ва табриклаш учун уни бир-бирларига ҳадя қилганлар”(1, 255).

Бундан кўринадики, Беруний подшоҳ Жамшид образини тасвирлашда мавжуд манбалардаги унинг шахсиятига оид барча сифат ва қирраларни қамраб олишга ҳаракат қилади. Ушбу образ ҳақидаги бошқа тарихий асарлардан фарқли равишда муаллиф ўз асарида Жамшид фаолиятини, асосан, Наврӯзнинг пайдо бўлиши ва халқ байрами сифатида жорий қилинишига сабаб бўлган омиллар доирасида тасвирлайди. Яъни, Беруний Жамшид ҳақида сўзлаган ривоятларини “Наврӯз” ва “Жамшид” хусусидаги фикрлари атрофига жамланган.

Беруний асарининг ўзига хослиги яна шунда намоён бўладики, муаллиф кадимги халқ байрамининг тарихини ёритиш баробарида подшоҳ Жамшиднинг элпарварлик, юртсеварлик сифатларини ҳам холис ва моҳирона тасвирлайди. Адиб келтирган ривоятда нақл қилинишича, Иблиснинг касофати билан дунё халокатга яқинлашади. “Шунда Худонинг амри ва йўл курсатиши билан Жамшид Иблис ва унинг ёрдамчилари турган жойни мулжаллаб, жанубий томонга борган ва то баракотсизликни кеткизгунича бир канча вақт ўша ерда қолган. Одамлар яна мўъгадил [холоатга], баракот ва фаравончиликка қайтиб, балодан қутулганлар. Шу вақт Жамшид дунёга қайтиб, шу куни куёшдек тулу этган ва ундан нур таралиб турган” (1, 256). Табиат яна қайта жонланиб, ўсимликлар кўкара бошлаган. Ушбу кунни одамлар “рўзи нав”, яъни “янги кун” деганлар.

Беруний Жамшид томонидан қилинган кўпгина кашфиётларни ҳам ушбу кунда содир бўлганлигини алоҳида таъкидлайди. Масалан, ўша куни Жамшид узоққа кетганларга хат ёзиб, эски макбараларни бузишга ва шундай кунда янги макбара курмасликка буюради. Бу одат худога ҳам хуш келиб, айнан шу куни Худо Жамшидни мукофотлайди. Яъни, Жамшиднинг халқидан “турли касалликлар, қартайиш, ҳасадчилик, йўқчилик, ғам ва мусибатларни” йироқлаштиради. Беруний то Жамшиднинг ҳамширасини ўғли Биваросф мамлакатга эга бўлгунича, халқда қариш ва ўлим бўлмаганлигини уқтиради.

Шунингдек, Беруний Жамшид замонида халқ кўпайиб, ерга сигмай қолгани ва худо ерни уч баробар кенгайтиргани; подшоҳ Жамшид анҳорларни қаздириб, юртга сув келтиргани ва мамлакатни обод қилгани ҳақидаги ривоятларни ҳам зикр этади. Демак, Беруний ўз асарида Жамшид образининг турли кирраларини: кашфиётчилик, ярагувчилик, бунёдкорлик, тадбиркорлик, одамларга яхшилик қилиш ва элпарварлик хислатларини ёрқин тасвирлашга эришган. Унда подшоҳ Жамшиднинг ўзига хос хислат ва фазилатлари нисбатан тўлақонли акс этган. Айниқса, муаллиф Жамшид образи ҳақидаги ранг-баранг ривоятларни кетма-кет ва жамланган ҳолда ривоя қилиш орқали ўзбек адабиёти тарихидаги анъанавий Жамшид сюжетининг пайдо бўлишига замин ҳозирлаган.

“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ҳам кўҳна тарихий манбалардаги сингари Жамшиднинг ўлдирилиши Заҳҳок томонидан амалга оширилгани қайд этилган. Мазкур асар билан деярли бир даврда ёзилган Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Жамшид қаҳрамони – бадий образ, унинг фаолияти – тугал дoston тарзида яратилган бўлса-да, ўзбек адабиётидаги Жамшид образининг шаклланишида ўз хиссаси бор. Чунки муаллифнинг мазкур асарида Жамшид қаҳрамони тарих сахнасида ўз ўрнига эга, адолатли, бунёдкор ва элпарвар шахс сифатида ўзига хос ибратомуз тасвирланган.

Гарчанд алломанинг мазкур асари давр тақозоси ўлароқ араб тилида битилган бўлсада, ундаги Жамшид ҳақидаги турли оғзаки ва ёзма манбалар асосида тўпланган маълумотлар кейинги даврларда ўзбек бадий адабиётидаги анъанавий Жамшид образининг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун асос бўлган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. —Т. Фан, 1968.

МАТН ТАРИХИ

Соҳиба УМАРОВА,

*ЎзДЖТУ қошидаги Учтепа академик
лицейи она тили ва адабиёти ўқитувачиси*

Матншуносликнинг асосий услубий принципи матн тарихини комплекс равишда ўрганишдир. Бунда матндаги давр руҳи излари ҳам, мақсадли равишда ёки тасодифий киритилган ўзгаришлар ҳам, кейинги даврларда юз берган нашрий сакталиқлар ҳам назардан қочирилмайди. Шу жараёнда матншунослик тарихий-адабий, сиёсий-жўгрофий ва маиший характердаги турли масалаларни ҳам ўрганади. Шундан келиб чиқиб, матншунослик барча илмий соҳалар объектига дахлдор дейиш мумкин. Адабиёт тарихи ўрганадиган барча масалалар матншуносликда ҳисобга олинади, бироқ унинг вазифаси аниқ. У матн тақдирини ёритади, матндаги ўзгариш хусусиятлари, сабаблари ва босқичларини ойдинлаштиради. Д.Лихачев матншуносликни матнларни нашр этиш жараёнидан ажратиб қарайди (1, 7). Бу унинг рус полиграфик нашрлари, охириги икки-уч асрлик тарихга эга бўлган матнлар юзасидан олиб борган тадқиқотлари натижасида чиқарган хулосаси — “текстология асосида фақат матн тарихини ўрганиш ётади” деган тезисдан келиб чиқади. Ўзбек матншунослиги тарихини ўрганиш жараёнида биз бу тезис ўзини оқламаслигини кўрдик. Зеро, асрлар давомида ўзбек матншуносларининг заҳматли меҳнати асарнинг қўлёзма нусхасини яратишда намён бўлган. Нашр тушунчаси қадимги қўлёзмаларни кўчириш ва тарқатиш каби анъанавий ҳаттотлик ва қотиблик касбига дахлдор бўлгани учун матншунослик айна ноширлик, қўлёзмани кўчириш ва тарқатиш каби жараёнларга тааллуқлидир. Ўзбек матншунослигининг рус матншунослигидан яна бир фарқи шундаки, турли ёзувларда акс этган миллий ёзма маданиятимизни бугунги кунда оммавийлаштириш ҳам адабиётшуносларимизни нашр типларидан келиб чиққан ҳолда муайян даражада матншунослик билан боғлиқ вазифаларни бажаришга ундаган. Бу ҳақда ўз ўрнида сўз юритилади.

Матн тарихини тиклашнинг халқимиз маънавий ҳаёти тарихидаги ўрни беқиёс. Зеро, қадимий қўлёзма китоб матнлари давр руҳини акс эттиради. Уларни жиддий ўрганиш муаллифнинг дунёқараши, воқеликка муносабати, давр илм-фани даражаси ва сиёсий жараёнлари ҳақида муайян тасаввур бериши мумкин.

Матншунос олдида турган бош вазифалардан бири матн тарихини тиклаш, тадқиқ доирасига жалб этилган манбанинг турли нусхаларини қиёсан ўрганиш, тадқиқ этиш, улар асосида матннинг асосий вариантини яратиш ва илмий муомалага киритишдир. Матн тарихи муайян матн ҳақидаги барча маълумотлар йиғиндисидир. У асарнинг шакл ва мазмуни ҳақида аниқ тасаввур беради, матнга оид билвосита ва бевосита маълумотларнинг барчасини камраб олади. Матн тарихини ўрганишда тарихий ёки адабий ёдгорликнинг яратилган ва кўчирилган даврини аниқлаш, манба нусхалари кўп бўлса, уларнинг ўзаро